ГАВАНА. Кубада бригада пудратн методидан фойдаланишда социалистик мамлакатлар эришган тажриба тобора кенг оммалашмоқда. Бундан тўрт ой илгари қишлоқ хўжалик министрлигининг бир қанча бирлашмаларида тажриба тариқасида жорий этилган бу илғор метод ижобий натижалар бера бошлади. Материаллар ва маблағлардан, машина-ускуналар ва иш вақтидан янада оқилона ва унумли фойдаланилаётганлиги, деб хабар беради миллий ахборот агентлиги (АИН), ана шу методнинг дастлабки якунлари бўлди. Янги метод асосида ишлаётган бригадаларнинг ташкилий структураси анча оддийлаштирилди. Бу эса ишчи кучидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкониятини берди. Бригада аъзоларининг меҳнат унинг янада юқ вард натижа манфаатдорлик Бу эса, агентлик ўтганидек, малак ришни ҳажмни оширишдан кўра сий мақсадга эришни кўмаклашмоқда. нинг ҳамкасб ки дилайди АИН хабарига, механизация иш ҳақини оширишда уларнинг фаоллигини ўсишига олиб келади.

# ТРАНСПОРТ— БИР МАРОМДА РИВОЖЛАНСИН

*Фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги мустаҳкамлансин*

Тошкент Ўзбекистоннинг йирик индустриал маданият маркази-дир.

Шаҳарнинг маршрут тармоғи тинмай такомиллашмоқда. Ҳозирги пайтда шаҳарда 88 та шаҳар, 35 та шаҳар атрофи автобус маршрутлари, 36 маршрутли такси, 23 трамвай ва 18 троллейбус маршрутлари ишлаб турибди.

Ҳозирги пайтда уларнинг ишини янада яхшилаш учун фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, шаҳар автомобиль транспорти ҳаракатини такомиллаштиришда илмий тадқиқотлар ва тавсияномалар самарадорлигини ошириш ғоят муҳимдир. Тошкент шаҳар партия комитети қошидаги транспорт ва алоқа ишининг самарадорлигини ошириш секцияси ташкил этган фан-техника конференцияси шу масалаларга бағишланди.

Конференцияни қисқача кириш сўзи билан шаҳар партия комитети секретари С. М. Юсупов очди.

«Ўзавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, техника фанлари доктори, профессор Л. Аҳметов «Шаҳар автомобиль транспорти ишининг самарадорлигини ошириш йўллари» мавзуида доклад қилди.

1983 йилда 30 шаҳар маршрутида кечки пайтда пассажирлар оқими ўрганилди, катта сиғимли автобусларни кичик сиғимли автомобиллар билан алмаштириш бўйича тавсиялар айтилди.

1982—83 йилларда 286 юк автомобилини газ-конденсат ёқилғида фойдаланиш бўйича эксперимент ўтказилди. Бу эксперимент ушбу ёқилғининг юксак самарали эканлигини, бундан ташқари ҳавога зарарли чиқиндиларнинг кам чиқишини кўрсатди. Бироқ, резервлардан ҳамон тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ, ҳал этилмаган масалалар ҳам бор. Булар ҳаммаси ҳаракатдаги составдан фойдаланишда самарадорликни пасайтиради.

Шаҳарда 145 ташкилот 20 тоннали контейнерларда юкларни олиб жўнатади, контейнерда юк ташиш йилдан йилга 30 процентга ўсяпти. Лекин меҳнатни ташкил этиш борасида ҳали анча иш қилиш керак — контейнерлар ва ярим прицепларнинг бекор туриб қолиши нормативдан 10 баравар кўп.

Тошкент автомобиль йўллари институтининг проректори, техника фанлари доктори А. Багдасаров ўз нутқини масаласига бағишлади.

Илмий-тадқиқот ишлари планига мувофиқ Тошкент автомобиль йўллари институти мутахассислари «Республика транспортининг икки мингинчи йилгача бўлган комплекс тараққиёти», каби илмий масала ҳал этилди. Трактор заводи билан ҳамкорликда эса «Пахтани қоп-қаноpсиз ташиш учун автотрактор поездлари» мавзуининг илмий-амалий жиҳатларини амалга ошириш бўйича ишлар давом эттирилди.

Шаҳар халқ хўжалиги ривожланиши билан шаҳарнинг маршрут тармоғи такомиллашяпти ва ривожланяпти, — деб таъкидлади ўз нутқида Тошкент шаҳар ижроия комитети барча транспорт пойтахтдаги автомобиль йўллари институтининг шаҳар автотранспорт корхоналари билан ўн биринчи беш йилликдаги ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот ишларини ишлаб чиқаришга жорий этиш турлари ишини координациялаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Л. Гришченко.

Сўнгги пайтда олимларнинг тавсиясига биноан олтита янги автобус маршрути очилди, 24 шаҳар ва шаҳар атрофи маршрутларида автобуслар, трамвайлар ва троллейбусларнинг ҳаракати чўзилди (ёки ўзгартирилди). Бу Юнусобод, Қўйлиқ, Сергели, Тошкент трактор заводи, Қорасув, Авиасозлар шаҳарчаси аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни анча яхшилаш имконини берди.

Марказлашган усулда юк ташиш шаҳар автомобиль трести автокорхоналарида амалга оширилаётган илмий-техника ютуқларининг самарадорлиги ҳақида трест бош инженери А. Хуршудян гапирди. «Пассажир автотранспорти иш самарадорлигини ошириш йўллари» — «Главташпассавтранс» бошқармаси бошлиғи В. Афонининг нутқи мана шу мавзуга бағишланди. Тошкент Бош плани илмий-тадқиқот институти лойиҳалари бош инженери Н. Шушлебинанинг шаҳар пассажир транспорти тараққиёти истиқболлари тўғрисидаги ахборoти қизиқиш билан тингланди.

Илмий-техника конференцияси қатнашчилари тавсиялар қабул қилдилар. Уларнинг амалга оширилиши илмий-тадқиқотлар самарадорлигини оширади, шаҳар автомобиль транспорти ишини яхшилайди.




# САНСАЛОРЛИК

**Газетхонлар редакцияга йўллаган хатларида ўзлари истаган газета ва журналларига обуна бўлолмаётганликлари, обуна бўлган тақдирда ҳам газета ва журналларни ўз вақтида ололмаётганликлари ҳақида ёзишмоқда. Ана шу хатлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

## *«Шаҳар ўртасидаги қишлоқ»*

**Яшаб турган маҳалламиз Киров районининг қоқ ўртасида жойлашган. Лекин территория жиҳатидан Тошкент районига қарайди. Участкада яшаб турган аҳолининг 99 процентн шаҳардаги корхоналарда хизмат қиладн.**

**Лекин маҳалла аҳолиси «Тошкент оқшоми» газетасига обуна бўлиш ҳуқуқидан маҳрум. Нима, «шаҳар ўртасидаги қишлоқ»дагилар бошқа газета-журналларни олиб ўқишадн-ю, севимли газеталарига обуна бўлишолмайди!**

**М. МУСЛИМОВ,**
Тошкент районидаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли колхознинг Гулистон қишлоқ совети.

## *Қачон чек қўйилади?*

**Газета ва журналларни ўз вақтида олиб ўқишни яхши кўраман. Афсуски, «Тошкент оқшоми», «Муштум», «Тошкентдан гапирамиз» ва кўрсатамиз» каби обуналарни 12-алоқа бўлимидагиларнинг лоқайдлиги туфайли ўз вақтида ололмайман.**

**Бунинг устига ҳар ҳафтада шу газеталарнинг бир-икки сони умуман келмайди. «Муштум»нинг 4-сонини олганим йўқ. Обуначиларнинг бундай пала-партиш хизмат кўрсатишига қачон чек қўйилади!**

**М. КАРИМОВ,**
Сергели—1, 23-уй, 27-квартира.

## *Хат йўқолди*

**Самарқанд шаҳридаги онажонim билан тез-тез хат ёзишиб тураман. Сўнгги вақтда бизга хизмат қиладиган 27-алоқа бўлимидагилар хатларни ўз вақтида етказиб бермаяпти. Телефон орқали опам билан гаплашган эдим, юборган тўртта хатим ва уларнинг юборган иккита хати (ичида сурати ҳам бор экан) етиб келмаганн маълум бўлди. Хат бир ой олдин ёзилган экан.**

**Нима учун алоқа бўлимн ходимлари ўз ишларига бундай совуққонлик билан қарашади! Бундай «хизмат кўрсатиш» қачонгача давом этади!**

**Ш. ЮЛДОШЕВА,**
ўқитувчи, Дархон кўчаси, Тутзор тупиги, 5-уй.

**РЕДАКЦИЯДАН: Газетхонларнинг шикоятларн юзасидан шаҳар «Союзпечать» агентлиги ва шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бошқармасидаги мутасадди ўртоқлар қандай чора кўришганлиги ҳақидаги жавобни кутамиз.**

# ИССИҚЛИК РЕСУРСЛАРИДАН ТЎЛИҚРОҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

**БЕРЛИН. Иккиламчи ёқилғидан янада тўла-тўкис фойдаланишнинг янги йўлларини қидириб топиш — ГДР энергетиклари тадқиқотларининг асосий йўналишларидан биридир. Ҳозирги вақтда асбоб-ускуналар ишлаган пайтда ҳосил бўладиган иссиқликнинг сал кам 40 процентн саноатнинг турли тармоқларида ишлатилмоқда. Бу йил мана шу иссиқликдан фойдаланиш даражасини яна 5 процент кўпайтириш мўлжалланган.**

**Эрфуртдаги К. Маркс номли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативининг теплица комплекси механизаторларида оддий ва катта фойда келтириши мумкин бўлган ғоя том маънода ҳаводан пайдо бўлди. Улар ўзларига қўшни бўлган электр подстанциясида трансформаторларини совутиш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқлик ҳавога учириб юборилаётганини кўргач, шу иссиқликдан ўз хўжалигида фойдаланишни таклиф қилдилар. Натижада кооператив янги доимий иссиқлик манбанни очди, бу эса иссиқлик истеъмолини анча қисқартириш имконини берди. Бундан ташқари, кооператив гулхонасига иссиқлик берувчи система ишга туширилиши билан подстанциядаги насослар ва вентиляторлардан фойдаланишга зарурат қолмади. Энди бекик цикл бўйлаб айланадиган сув мана шу насос ва вентиляторларнинг ўрнини бемалол боса бошлади. Янги системанн ишлатишнинг дастлабки ойлари унинг самаралилигини тасдиқ этганини яққол кўрсатдн. Чуноичи, ўтган қиш фаслида подстанция ишлатган энергиянинг миқдорн 10 процент қисқарди.**



## Фотокалейдоскоп

**ГФР. Ульма шаҳрида истиқомат қилувчи киши «яшил дўсти» ҳаётини сақлаб қолиш учун эски нок дарахтини ўраб... ёзги уйча қурдн.**

**ДПА—ТАСС фотоси.**

**Прессенсбильд агентлигининг хабар беришича, бу етти метрли қадимий калтакесакни ҳайкалтарош Андреас Хиндегис Швецариянинг Норркёпинг шаҳарчаси аҳолисига унинг 600 йиллиги муносабати билан совға қилди. Икки тонналик улкан ҳайкални ташиш учун вертолёт зарур бўлди. Совға маҳаллий ҳайвонот боғида ўрнатиладн.**

**Прессенсбильд — ТАСС фотоси.**

# САБЗАВОТ ҚАЙТА ИШЛАНМОҚДА

БУДАПЕШТ. Венгрия озиқ-овқат саноати корхоналарида янги сабзавот ҳосилини қайта ишлаш мавсуми бошланди. Сабзавотнинг анчагина қисми яқинда жорий этилган юксак самарали чуқур музлатиш усули ёрдамида қайта ишланмоқда.

Қудратли музохоналар шинат, кўк нўхот, помидор, поприка ва бошқа кўпгина сабзавот ва меваларни қисқа вақт ичида 190 градусгача совутади, бу усул келгуси кўклamгача бу маҳсулотларнинг таъми, хушбўй ҳиди ва витаминларини сақлаб қолиш имконини беради.

Шу усул ёрдамида ишланган маҳсулотлар «Мирелит» деб атала бошлади ва қисқа вақт ичида харидорларга жуда манзур бўлиб қолди. Музлаш туширилгандан кейин янги сабзавот ва мевалардан асло қолишмайдиган бу маҳсулотларни истеъмолга тайёрлаш учун қўшимча вақт деярли керак бўлмайди. Венгрия «Мирелит»и чет эллarда, айниқса социалистик мамлакатларда шуҳрат қозонди, тез совутилган сабзавот ва меваларнинг ярмини шу мамлакатларга юборилмоқда. Ўтган беш ойнинг ўзида маҳсулотни экспорт қилиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан процентга ошди.

Венгрияда сабзавот консерваларининг ҳаммасини дастурхонида ишлатиладиган турдан ортиғи қолмади, ва мева-сабзавотлар тайёр маҳсулотларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этмоқда.



# ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА—КЕНГ ЙЎЛ

Ригадаги «Страуме» заводи республикадаги электр рўзғор приборлари ва электр-механик ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи энг катта корхона ҳисобланади. «Страуме» маркаси туширилган буюмлар қатор чет мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонган.

«Страуме» заводи қарийб юз хил буюмларни: мураккаб ошхона комбайнлари, электромиксерлар, микротўлқинли печлар, электр гўшт қиймалагичлар каби мураккаб рўзғор приборлари билан бир қаторда мопедлар, планетоходлар, турли-туман ўйинчоқларгача ишлаб чиқаради.

СУРАТДА: корхона ишчиси Ирена Саприкина «Страуме» заводида ишлаб чиқарилаётган электр гўшт қиймалагич, электромиксер ва ошхона машинасини намойиш этмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

13 ИЮНЬ, 1984 й.

*Санъатнинг сеҳрли олами*

# «ОТЕЛЛО» ЯНА САҲНАДА

Фоторепортаж







Ҳамза номидаги Ле[нин] орденли ўзбек Давлат академик драма театрида жаҳон классик драматургиясининг йирик вакили Уильям Шекспирнинг «Отелло» трагедиясини илгариларидан бери ҳавас билан ихлос қўйиш устида келаётганлиги ҳақида илк хабар берган эдик. Ҳозирда пойтахтимиз театр ҳаваскор томошабинлари эътиборига ҳавола этилган бу спектакль Ҳамза номли театр ижодкорлари билан Е. Вахтангов номли Москва академик драма театри актёрларининг ҳамкорлигида дунёга усталари анъанавий дўстлиги ва ҳамжиҳатлигининг ёрқин рамзи бўлди. Асарни Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Е. Вахтангов номидаги Москва академик драма театрининг бош режиссёри Евгений Рубинов ва Симонов саҳналаштирди. Бир неча ойлик ижодий меҳнат самараси сифатида вужудга келган спектакль Москвалик ва тошкентлик саҳна усталарининг ўз истеъдод ва маҳоратларини намойиш қилишга ҳаракат қилдилар. Бу ўринда Вахтангов номли театрнинг режиссури, СССР халқ артисти, СССР рассоми И. Сумбаташвили, композитор, СССР халқ артисти Л. Десятников, шунингдек спектакль образини яратган Ўзбекистон ССР халқ артистлари, СССР Давлат мукофотининг лауреатлари Турғун Азизов ва Ёқуб Аҳмедов, Дездемона ролида чиққан Ўзбекистон ССР халқ артисти Ойдин Норбоева ва республикада хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Жамилова, асардаги бошқа ролларни ижро этган Ўзбекистон ССР халқ артистлари Саъдихон Табибуллаев, Рихси Иброҳимова, республикада хизмат кўрсатган артист Тўлқин Тожиев, артистлардан Теша Мўминов, Қаҳрамон Абдураҳимов, Гавҳар Зокирова ва бошқа санъаткорларнинг жуда қатта меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Спектаклни тайёрлаш узоқ давом этди, — дейди премьерадан сўнг постановкачи режиссёр Е. Симонов. — Бу табиий, чунки Шекспирни енгил-елпи қўйиб бўлмайди. Албатта, саҳнага қўйиладиган ҳар қандай асар устида ҳам жиддий ишлаш лозим. Бунинг устига ўзбек томошабинлари «Отелло» спектаклининг юксак ижросини кўришган. Ана шу спектакль ҳамон уларнинг хотирасида. Шу тасаввурни бузиб қўймаслигимиз керак эди. Спектаклнинг премьераси бўлди. У ҳали спектаклдан спектаклга ишланиб, мукаммаллашиб бораверади. Режиссура борасида ҳам, актёрлар ижроси ва саҳна безаклари борасида ҳам мазкур театрнинг ўзига хос услуби ва анъаналари бор. Менинг назаримда бу хусусиятлар «Отелло» спектаклида ҳам намоён бўлди. Актёрларнинг ҳаммаси ўзига топширилган ролни маромига етказиб ижро этишга ҳаракат қилдилар.

Пойтахтимиз санъат мухлислари ва меҳмонлари янги талқиндаги «Отелло» трагедиясини катта қизиқиш билан томоша қилишмоқда. Айтиш мумкинки, янги спектакль театр репертуаридан муносиб ўрин олади.



СУРАТЛАРДА: «Отелло» спектаклидан саҳналар; спектакль премьерасидан сўнг; постановкачи режиссёр Е. Симонов санъаткорлар даврасида.

К. Ромеев фотолари.

# АЛЬБОМ САҲИФАЛАРИНИ ВАРАҚЛАЁТИБ

Саратовдаги К. А. Федин музейи фондларидан удуғ рус ёзувчисининг ҳаёти билан боғлиқ номаълум хат-ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар тўпланди.

Рус адабиёти тарихининг шу ноёб даргаларини ўзида сақлаган чарм муқовали альбомни Нина Константиновна музейга ҳадя этди.

— Константин Александрович дастхатлар альбомга нималар ёзмаган, — дейди музей директори С. Казакова. — Шунга қарамай, у жаҳонга машҳур ёзувчи, академик бўлгани, катта жамоат ишларини олиб боргани ҳолда умрининг сўнгги йилларида нодир ҳужжатларни йиға бошлаганди. Бу бебаҳо альбом ана шундай пайдо бўлганди.

Қайси саҳифасини очманг — ажойиб кишиларнинг номларини кўрасиз. Мана, Гоголнинг онасига ёзган 1848 йилги хати. Достоевский 1847 йилда нашрига ёзган икки хат, Тургенев 1857 йилда Париждан Анненковга юборган хат. Каттагина варақада Салтиков-Шчедрин Тула губернаторига ёза бошлаган хатининг қоралама варианти сақланган. Некрасов ўз қўли билан ёзган «Унутилган қишлоқ» шеъри шубҳасиз қизиқишга сазовордир. У шеърни 1856 йилда кўчириб ёзган. Бир неча саҳифадан сўнг бошқа бир ажойиб дастхатни кўрамиз: Блок «Эзгу сўқмоқдан борардик...» деган шеърини ёзган.

Очилганига атиги уч йил бўлган Федин музейига ҳар йили 60 мингдан кўп. меҳмон келади. Музей беш мингта экспонат билан бошланган бўлса, бугунги кунда шундан тўрт баравар кўп экспонатларни сақламоқда ва намойиш этмоқда. Шулар орасида бояги альбом муносиб ўрин эгаллаб турибди.

Е. МУЗАЛЕВСКИЙ.
(ТАСС).
Саратов.






ҲИКОЯ

—1—

Қора Бахти бу йил ўн ёшга тўлади. Лекин унинг ўнга тўлишига ҳали анча ой ва кунлар бор. Шунгачагина, нозикроқ, қорача бўлганлиги учун ҳамсабоқлари болалар уни «Бахтиёр» демай, масхаралашгани ҳисобга олиб «Қора Бахти» деб чақиришади. Ўзининг исмини эса улар яшайдиган кўчада яна бир болакай, кўп кўзли, сал бўйдорроқ ҳамда тўлароқ Бахтиёр исмли бола бўлиб, у бунга қараганда ёши, кўп кўзли, сал бўйдорроқ ҳамда тўлароқ эди. Ҳар иккала Бахтиёрни бир-биридан ажратиш учун болалар уларнинг бирини «оқ», иккинчисини «қора» деб аташардилар. Дастлабки Қора Бахти бундай номга кўнникомай юрди. Аччиғи келиб «нега мен қора бўларканман», деб баъзи тенгқурлари билан ёқалашиб, бир неча кун уйга тўн-бошини тупроққа белаб қайтган пайтлари ҳам бўлди. Барибир, уни шундай атайверишди. Начора, афт-ангорни ҳамкўчаси — анави Бахтиёрга қарасанг-да. Дунё деганларни шунақа: биров унга «чиксон» бўларкан. Бири оқ бўлса, иккинчиси қорагина, нозикроқ, қорача бўлганлиги учун ҳамсабоқлари болалар уни «Бахтиёр» демай, масхаралашгани ҳисобга олиб «Қора Бахти» деб чақиришади. Иккинчидан эса улар яшайдиган кўчада яна бир Бахтиёр исмли бола бўлиб, у бунга қараганда ёши, кўп кўзли, сал бўйдорроқ ҳамда тўлароқ эди. Ҳар иккала Бахтиёрни бир-биридан ажратиш учун болалар уларнинг бирини «оқ», иккинчисини «қора» деб аташардилар. Дастлабки Қора Бахти бундай номга кўнникомай юрди. Аччиғи келиб «нега мен қора бўларканман», деб баъзи тенгқурлари билан ёқалашиб, бир неча кун уйга тўн-бошини тупроққа белаб қайтган пайтлари

# „ТО" спорт ҳафтаси

## ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

Тошкент—Олмаота «ДЎСТЛИК» МАТЧИ

6 май куни газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг ҳар икки тахтасида олмаоталик шахмат мухлисларининг юришлари эълон қилинган эди. Улар ўзлари оқ доналар билан ўйнаётган биринчи тахтада навбатдаги — саккизинчи юришни эълон қилишди — Cf1—c2. Иккинчи тахтада эса газетхонларимизнинг g2—g4 юришига Ch5—g6 билан жавоб беришган эди.

Газетхонлардан тошкентликлар оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтадаги навбатдаги — тўққизинчи юришни таклиф этиш, биринчи тахтада эса олмаоталикларнинг Cf1—c2 юришига қандай жавоб бериш ҳақида фикр билдиришни сўраган эдик. Редакция шахмат мухлисларидан жуда кўп хат олди. 40 газетхон таклифини телефон орқали маълум қилди. Уларнинг кўпчилиги биринчи тахтада олмаоталикларнинг саккизинчи юришига Cf8—e5 билан жавоб беришни, иккинчи тахта эса Kf3—e5 юришини таклиф этишган. Жумладан, Р. Аҳмедов, Г. Назирчаев, М. Мирҳабибов, М. Сайфудинов, А. Юнусов, В. Заворотний, С. Ким, А. Олин, И. Мусаев, В. Пуставетов, Ф. Қорабоев, Н. Кондзрин, Н. Авазов, Д. Мархаев, Б. Офицеров, Сергели район шахмат-шашка клубининг аъзолари ва бошқалар ана шундай таклиф билдиришган. Бу юришлар тўғри деб топилди ва олмаоталик шахмат мухлисларига маълум қилинди.

ОЛМАОТА—ТОШКЕНТ



ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА



Энди ҳар икки тахтада қилинган юришларни эслатиб ўтамиз. Биринчи тахтада: 1. e4e5 2. Kc3 Kf6 3. f4d5 4. e5 K:e4 5. d3K:c3 6. bcd4 7. Kf3 Kc6. 8. Cc2 Cf8— c5. Иккинчи тахтада: 1. d4d5. 2. c4dc 3. Kf3 Kf6 4. e3 Cg4 5. C:c4 e6 6h3 Ch5 7. Kc3a6 8. g4 Cg6 9. Kf3—e5.

Ҳурматли газетхонлар! Сиртқи шахмат матчи қандай боряпти! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га Таклифларингизни 325885, 330874, 325680, 325681 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

## КИЧКИНТОЙЛАР СПАРТАКИАДАСИ



«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси спорт комплексининг ходимлари болалар боғчалари тарбияланувчиларининг иккинчи спартакиадасини ташкил этишга пухта тайёргарлик кўришди.

Спартакиаданинг очилиш маросими ҳақиқий байрамга айланди. Биринчи бўлиб, қатнашчилар эрталабки гимнастикани чиройли бажариш бўйича беллашдилар. Судьялар уларнинг ҳаракатини синчковлик билан кузатиб туришди. Музикани қандай англашларига аҳамият бердилар. Байроқча, ҳалқа билан машқ бажариш қатнашчиларга ҳам, томошабинларга катта завқ бағишлади.

Командалар 30 метр масофага тез югуриш бақсини бошлашди. Кейин велосипед пойгаси бўйича баҳс бўлди. Бу ерда ҳам кичкинтойлар ўзига хос маҳорат ва чаққонлик кўрсатишди. Арқон тортиш мусобақалари ҳам ниҳоятда қизиқарли бўлди. Ана шундан кейин судьялар коллективлар тўплаган очколарни жамғариб, умумий якун чиқаришди. Командалар яна сафга тизилдилар. Умумий ҳисобда «Светлячок» болалар боғчасининг командаси биринчи ўринни эгаллади. «Сказка» боғчасининг команда иккинчи ўринга кўтарилди. Учинчи совринли ўринни эса «Ботирка» коллективи эгаллади. Мусобақа бош судьяси, спорт мастери Е. Якименко ғолибларга тантанали равишда совринларни топширди.

А. ВОРГУДЯЕВ.

**СУРАТЛАРДА:** спартакиада мусобақаларидан лавҳалар.




## «ПАХТАКОР» ҲАҚИДА 17 ФИКР

**В. ЛОБАНОВСКИЙ,**
**спорт мастери, СССРда хизмат кўрсатган тренер, Киевнинг «Динамо» командаси катта тренери.**

— **Валерий Васильевич, Тошкентдаги учрашув қандай ўтади деб тахмин қилган эдингиз?**

— Ўтган йиллар давомида ўтказилган 36 учрашувда 21 марта ғалабага эришган бўлишимизга қарамасдан «Пахтакор» ҳамиша биз учун ноқулай рақиб бўлиб келган. Айниқса у ўз майдонида яхши ўйнайди. Тошкентда 0:5 ва 0:3 ҳисобида мағлубиятга учраганимизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Бу йилги мавсумда тошкентликлар анча бўш ўйнаётганликла р и н и билар эдик. Шунга қарамасдан мен шогирдларимга «Пахтакор» характерли команда эканлигини такрор ва такрор уқтирдим.

Умуман олганда пахтакорчилар мавсумга яхши тайёргарлик кўрмаганликлари билиниб турибди. Ўйинчиларнинг ҳаракатида чаққонлик сезилмаяпти. Тўп учун қатъий курашмаяпти.

— **«Пахтакор»нинг состави масаласи ҳали ҳал бўлганн йўқ. Коллективда жуда кўп ўйинчилар жароҳатланган.**

Бу албатта бир хил ўйин кўрсатишга тўсқинлик қилади. Майдонда «Пахтакор»нинг етакчи ўйинчиларидан Кабаев, Журавлёв, Ивановларни кўрмадик. Менга айтишларича ёш ва келажаги порлоқ футболчилардан Исломов, Жилкин ҳали бутунлай соғайишгани йўқ. Шунга қарамасдан майдонга чиқаётган ўйинчилар билан ҳам масалани ҳал қилиш мумкин. Агар пахтакорчилар қатъият ва ирода кўрсатганларида, ўз кучларига ишонганларида бир очкони сақлаб қолган бўлишарди.

«Пахтакор»да ҳали олий лигада қолиш имконияти бор. Бунинг учун у қолган учрашувларнинг ҳаммасини шиддаткорлик ва ҳужумкорлик руҳида ўтказиши керак. Мен унга омад тилайман.

## «ЧАРМ ТЎП» БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

«Текстильщик» стадионида ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Чарм тўп» клуби совринн учун футбол бўйича ўтказилаётган Бутуниттифоқ мусобақаси баҳсларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Беллашувлар клуб ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишланган.

Тошкентдаги ҳар бир райондан иккитадан команда ғолиблик учун баҳс юритмоқда. Уларнинг составида 300 дан зиёд ўсмир бор. Турнирда биринчи ўринни эгаллаган команда шу йилнинг июль ойида Тошкентда бўладиган Бутуниттифоқ мусобақасининг финал учрашувларида Республика шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ●

ПИОНЕР ЁЗИ ДАВОМ ЭТМОҚДА




# БОЛАЛАР БАЙРАМИ

Ёз фасли орзиқиб кутилган қувноқ палладир! У ўзининг қизиқарли ва завқли саёҳатлари, экскурсиялари, балиқ ови, пионерларнинг қувноқ қўшиқлари билан ғоятда файзлидир.

СИЗНИНГ БОЛАЛАРИНГИЗ ЁЗГИ ДАМ ОЛИШГА ТАЙЁРМИ?

Чунки пионер лагерларида уларга саёҳатлар, чўмилиш, тантанали линейка, қизиқарли ўйинлар ва спорт учун қўл келадиган ҳар хил буюмлар керак бўлади.

**15 ИЮЛГАЧА**

МАРКАЗИЙ БОЗОРДА ЎТКАЗИЛАДИГАН

**БОЛАЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН САНОАТ МОЛЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН САВДО-ЯРМАРКАСИГА**

СИЗ ОТА-ОНАЛАРНИ ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ БИЛАН ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Бундан бир неча ой олдин ҳамиша сокин ҳувиллаб турган Марказий бозор майдони бир неча кун ичида ёзги павильонда жойлашган болалар қувноқ ярмарка шаҳарчасига айланиб кетди. Бу ерда болалар учун ҳамиша керак бўладиган тиш чўткасидан тортиб ранг-баранг кийимларгача бўлган моллар кенг сотувга қўйилган. Лаззатли таомларнинг хўрандалари —катталар ва болалар бу ерда музқаймоқ, кондитер неъматлари ва кўпгина хушхўр таомлар тановул этиб баҳраманд бўлишлари мумкин. Бундан ташқари ранг-баранг шарбатлар ва яхна ичимликлар савдоси ҳам кенг ташкил этилган.

15 ИЮНДА ЯРМАРКАДА

**БОЛАЛАР ЛИБОСЛАРИ НАМОЙИШИ ЎТКАЗИЛАДИ**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ ВА МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРЛИКЛАРИНИНГ КОРХОНАЛАРИ БУ НАМОЙИШГА ЎЗЛАРИНИНГ ТАЛАЙ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚЎЙИШАДИ:

чиройли безакланган ёзги кўйлаклар, енгил сарафанлар, спорт костюмлари, пионер формаси.

**Болалар буюмлари 26 июнь ва 6 июль кунлари ҳам намойиш этилади.**

20 ИЮНДАН 30 ИЮНГАЧА БОЛАЛАР КИТОБЛАРИ 10 КУНЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

**1 ИЮЛДАН 10 ИЮЛГАЧА**— болалар мавзусида грампластинкалар сотиш 10 кунлиги.

Ярмарка ёпиладиган 15 июль куни соат 12.00 да

**М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА**

БОЛАЛАР БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ранг-баранг аттракционлар, бадиий ҳаваскорлик коллективлари — ёш артистларнинг чиқишлари сизга мунтазир. СССР халқларининг миллий либосларини кийган хизматчи—сотувчилар чиройли безакланган дўкончаларда ранг-баранг молларни тарқатадилар.

МАРКАЗИЙ БОЗОРГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

**Марказий бозор иш соатлари**—соат 10 дан 18.00 гача.

**Транспорт: 7, 8, 10, 11, 13, 22, 25-трамвайлар; 4, 5, 7, 9-автобуслар; 3, 11- троллейбусларнинг «Марказий бозор» бекати).**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ** (телефон 33-68-83).






ТОШКЕНТ ОКРУГ ОФИЦЕРЛАР УЙИДА
**14 ИЮНЬ СОАТ 20.00 да**
**М. Қорнёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси**
«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ
КОНЦЕРТИ
ПРОГРАММАДА:
«КУЛГИ ҚИРГАН УЙГА, ҚАЙҒУ КИРМАГАЙ»
САТИРА ВА ЮМОР ЭСТРАДА ТОМОШАСИ
(икки бўлимда)
Сценарий муаллифлари: Ҳайдарали УЗОҚОВ, Шерқўзи ҒОЗИЕВ.
ҚАТНАШАДИЛАР:
Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Ғайбулла МЕЛИЗИЕВ, Малика ШАРИПОВА, Розия НАЗАРОВА, Санобар РАҲИМОВА, Ўсар ЮСУПОВ, Қурбонали ТИЛЛАЕВ, Насиба ЭСОНОВА, Валентина ПАШКОВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Музика раҳбари — Мирсалим МУҲАММАДЖОНОВ.
Программани Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Зайниддин ОМОНОВ олиб борадилар.

## театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —13/VI да **Оққуш кўли**, 14/VI да **Бўрон**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —13/VI да **Зебунисо**. 14/VI да **Отелло**.

## кино

13 ИЮНДА
**БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:**
«ВАҲИМА ҚИЛМАНГ, МАЙОР КАРДОШ!» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).
«ЎЛИКЛАР СОЯ ТАШЛАГАНДА» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21).
«ТЕЗЛИК» — **Ватан** (жуфт соатларда).
«КОМЕТА» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Фестиваль** (21.40, телефон 32-78-02).
«ТИРИКЛАЙИН ҚЎЛГА ОЛИШ БУЮРИЛГАН» — **Хива** (21.40, телефон 32-78-02), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).
«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).
«САЛАМАНДРА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).
«ЙЎҚ ҚИЛИШГА КИРИШИЛСИН» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 17, 19.30).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
15 ИЮНЬ СОАТ 19.00 да
СССР биринчилиги. «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ЖАЛЮГИРИС» (Дмитров) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» стадионида олдиндан билет кассалари ишламоқда.
Коллектив буюртмалар учун заявкалар қабул қилинади.

«Ўқитувчи» нашриёти лектории нашрдан чиққан
Е. Якубовага ўқиш дилшодлик
нафақат эгаллаган ўрни билан чуқур таъсир қилади.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24, 45-37-20).

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50

13 ИЮНЬ, 1984 й. Р 12317. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10